

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(812)
2017 йил
30 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1259. «2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ–3440-сон қарори

Учинчи бўлим

1260. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 октябрдаги 849-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 1017-сон қарори

1261. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5017-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2900-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 1019-сон қарори
1262. «Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомни ҳамда патент божлари ва тўловлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 1020-сон қарори
1263. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 декабрдаги 1021-сон қарори

Бешинчи бўлим

1265. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 декабрдаги 131-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-2*)
1268. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 21 декабрдаги 01/15-2-10/37-сон «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-2*)
1269. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги 159-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-

ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-1*)

1270. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151, 2017-68-сон «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2958*)
1272. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 18 декабрдаги 246/1-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-4*)
1273. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 22 декабрдаги 104-Н-сон «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-44) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2811-1*)
1275. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги 187, 2017-74-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2959*)
1276. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 482-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2498-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 23 декабрдан 29 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

1259 2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида*

Қайд этилсинки, республикада соғлом болалар туғилиши, хомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлар ҳамда «Она ва бола скрининг» марказлари тармоғи яратилди, туғруққа ёрдам берувчи ва педиатрия муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилди.

2013 — 2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча «Она ва бола скрининг» марказлари ҳал қилиш қобилияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультра-товуш сканерлар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика «Она ва бола скрининг» марказлари чақалоқларда ва кичик ёшдаги болаларда ирсий касалликларнинг кенг доирасига ташхис қўйиш учун юқори технологик анализаторлар — тандем масс-спектрометрлар билан жиҳозланди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 1,1 миллиондан ортиқ хомиладор аёл текширувдан ўтказилди, бу 21 минг нафардан ортиқ ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган бола туғилишининг олдини олиш имконини берди. 1,7 миллиондан ортиқ чақалоқ туғма ва ирсий касалликлар юзасидан текширилди, 2,7 минг нафар болага ривожланишнинг туғма нуқсонларини бартараф этиш юзасидан малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ва даволаш-ташхис қўйиш тадбирларини, айниқса қишлоқ жойларда бўлажак оналар ва болаларнинг соғлиги ҳолати устидан патронаж тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон амалиётига мувофиқ туғруққа ёрдам берувчи муассасаларнинг ва «Она ва бола скрининг» марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Оналар ва болалар соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шаклланти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 25 декабрда эълон қилинган.

риш, хомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болаларда ногиронликни камайтириш, шунингдек, «Она ва бола скрининг» марказларининг кадрлар салоҳиятини ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

«Она ва бола скрининг» марказларини юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

хомиладорликнинг дастлабки уч ойида аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғишдан олдин оммавий текшириш ва хавф гуруҳига кирадиган хомиладор аёлларда генетик синдромларни биокимёвий текширишни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан хомилада туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларга барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

хомилада ва кичик ёшдаги болаларда хромосом синдромлар диагностикасида лаборатория диагностикасининг замонавий усулларини, шу жумладан, цитогенетик ва молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этиш;

болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш орқали чақалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган овқатлар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш;

«Она ва бола скрининг» марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадаги «Она ва бола скрининг» марказларида минтақалараро цитогенетик лабораториялар ташкил этиш, уларни юқори технологик тиббиёт диагностика ускуналари билан жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда яшаш жойларида, маҳаллаларда ва таълим муассасаларида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тушунтириш ва профилактика ишларини мунтазам ўтказиб борсин;

«Соғлом авлод учун» Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурини сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан мувофиқлаштириш ва назоратни таъминласин;

хар чоракда Давлат дастурининг бажарилиш жараёнини кўриб чиқсин ва зарурат бўлганда унинг самарали бажарилишини таъминлаш масалалари бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, «Соғлом авлод учун» Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ва халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган юқори технологик диагностика тиббиёт ускунаси, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, болалар даволовчи овқати, дори воситалари 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳоли орасида туғма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш зарурлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 декабрь,
ПҚ-3440-сон

2018 — 2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш
ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Кутилаётган натижа
I. «Она ва бола скрининги» марказларининг моддий -техника базасини янада мустаҳкамлаш						
1.	Ҳомилдорликнинг биринчи уч ойлигида аёлларни оммавий тарзда ультратовуш текширувидан ўтказиш учун марказий кўп тармоқли туман ва шаҳар поликлиникаларининг пренатал ташхис хоналарини юқори ҳал этиш қобилиятига эга бўлган стационар 200 та УЗИ-сканерлари билан жиҳозлаш.	2018 йил ноябрь	6 400,0 минг АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров)	14 ҳафтагача бўлган мuddатда ҳомила ўсишида туғма нуқсонларни барвақт аниқлаш. Ўлимга олиб борадиган нуқсонларга эга болалар туғилишининг олдини олиш.
2.	Биокимёвий пренатал (туғишдан олдинги) скрининг ўтказиш учун реактивлар билан таъминлаш, жами шундан: биринчи уч ойлик иккинчи уч ойлик	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й. ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	6 027,0 минг АҚШ доллари 2 284,0 минг АҚШ доллари 456,8 456,8 456,8 456,8 456,8 3 743,0 минг АҚШ доллари 748,6 748,6 748,6 748,6 748,6	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Ҳомиллада хромосомали синдромларни ва нерв найи туғма нуқсонларини аниқлаш. Хромосомали синдромларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш.
3.	Ҳомилдорлардан қон олиш учун махсус филтрловчи қоғоз бланкалар билан таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й.	33,75 минг АҚШ доллари 6,75 6,75	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров),	Хромосомали синдромларга чалинган ва нерв найи туғма нуқсонлари билан болалар туғилишининг олдини олиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Қутилаётган натижа
		2020 й. 2021 й. 2022 й.	6,75 6,75 6,75		«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	
4.	Чақалоқларни туғма гипотиреоз, фенилкетонурия, муковисцидозга скринингдан ўтказиш бўйича улардан қон олиш учун махсус филтрловчи қоғоз бланкалар билан таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	515,8 минг АҚШ доллари 103,16 103,16 103,16 103,16 103,16	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Ирсий паталогия билан касалланган болаларни барвақт аниқлаш. Чақалоқларнинг 95 фоизи неонатал скринингдан ўтказилишини таъминлаш.
5.	Республика «Она ва бола скрининги» марказини ҳомилдорликнинг эрта муддатларида молекуляр-цитогенетик тадқиқотлар ўтказиш учун сарфланадиган материаллар ва бутловчи буюмлар билан жиҳозлаш.	2018 — 2022 йй. хар йили ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	1 252,0 минг АҚШ доллари 250,4 250,4 250,4 250,4 250,4	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Амалий фаолиятга замонавий молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этган ҳолда ҳомил хромосома синдромлари диагностикаси кўламини кенгайтириш.
6.	Чақалоқларни туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияга неонатал скринингдан ўтказиш учун реагентлар билан таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	9 967,7 минг АҚШ доллари 1993,54 1993,54 1993,54 1993,54 1993,54	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Болаларда туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия борлигини барвақт аниқлаш.
7.	Нукус, Бухоро, Самарқанд, Фарғона «Она ва бола скрининги» марказларини муковисцидозни аниқлаш учун 4 та тиббий диагностика ускуналари билан жиҳозлаш.	2018-2019 йиллар ш. ж., 2019 й. 2020 й.	48 минг АҚШ доллари 24,0 24,0	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Худудий «Она ва бола скрининги» марказларининг ташхис қўйиш имкониятларини кенгайтириш. Болаларда муковисцидозга барвақт ташхис қўйиш, ўз вақтида даволаш, ҳаёт сифати ва давомийлигини яхшилаш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Кутилаётган натижа
8.	Чақалоқларни муковисцидозга селектив скринингдан ўтказиш учун реагентлар ва сарфланадиган материаллар билан таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	987,4 минг АҚШ доллари 197,48 197,48 197,48 197,48 197,48	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Болаларда муковисцидоз борлигини барвақт аниқлаш. Касаллик оғирлашишининг олдини олиш ҳамда болалар умр кўришини ва ҳаёт сифатини ошириш.
9.	Болаларни тандем масс-спектрометрда селектив скринингдан ўтказиш учун реактивлар ва сарфланадиган материаллар билан таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	214,75 минг АҚШ доллари 42,95 42,95 42,95 42,95 42,95	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Аминокислота ва карнитин алмашинуви бузилган ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш. Оилада кейинги фарзанд шундай патология билан туғилишининг олдини олиш.
10.	Нукус, Бухоро, Самарқанд, Фарғона «Она ва бола скрининги» марказларини болаларда цитогенетик тадқиқотларни татбиқ этиш ва ўтказиш учун рақамли микроскоплар ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш.	2018 йил 1 ноябрь	142,9 минг АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров)	Хромосома синдромларига чалинган болаларни аниқлашни ошириш. Виложларда яшовчи хромосома синдромларига чалинган болаларга тасдиқловчи ташхис қўйиш. Худудий «Она ва бола скрининги» марказларининг ташхис қўйиш имкониятларини кенгайтириш.
11.	Республика «Она ва бола скрининги» марказини ирсий қон касалликларига ташхис қўйиш учун мўлжалланган гематологик анализатор билан жиҳозлаш.	2018 йил 1 ноябрь	4,8 минг АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров)	Ирсий касалликларга ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш.
12.	Самарқанд, Фарғона, Андижон, Термиз, Нукус ва Бухоро «Она ва бола скрининги» марказларини неонатал ва пренатал скрининглар ўтказиш учун бутловчи буюмлар билан бирга 6 та анализаторнинг такомиллаштирилган модели билан қайта жиҳозлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	930,0 минг АҚШ доллари 186,0 186,0 186,0 186,0 186,0	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова)	Ҳомилдорларда ва чақалоқларда туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйишни яхшилаш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Қутилаётган натижа
II. «Она ва бола скрининги» марказларининг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва мутахассислари малакасини ошириш						
13.	Ҳомиланинг соғлиги ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш бўйича низом ишлаб чиқиш	2018 йил 1 март	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов), Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги (Э.М. Мухитдинов)	Ногиронликка олиб келувчи туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини камайтириш
14.	Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида ультратовуш текширувнинг замонавий протоколини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил 1 апрель	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова)	Ҳомиланинг яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонларни аниқлаш. Ҳомиладорликка тиббий қарши кўрсатмага эга бўлган ҳомиладорлар гуруҳини тузиш.
15.	Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини врачлари учун таълим берувчи семинарлар ўтказиш орқали ультратовуш текширувнинг тасдиқланган протоколини жорий этиш.	2018 йил 1 май	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Республика ва ҳудудий «Она ва бола скрининги» марказлари	Ҳомила ўсишининг туғма нуқсонларига пренатал ташхис қўйишни мақбуллаштириш.
16.	Юқори технологик диагностика ускунасидан фойдаланган ҳолда туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйишнинг замонавий усуллари жорий этилганлигини ҳисобга олган ҳолда «Она ва бола скрининги» марказларининг штат нормативларини қайта кўриб чиқиш.	2018 йил 1 август	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров)	Ҳомиладорларга ва болаларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишга қўйилган замонавий талаблардан келиб чиқиб, штат нормативларини тасдиқлаш.
17.	Ҳомиладор аёлларни ультратовуш текширувидан ўтказувчи УЗИ врачлари лавозимини жорий этиш орқали марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиналарининг штат нормативларини қайта кўриб чиқиш.	2018 йил 1 август	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров)	Пренатал ташхис қўйиш хоналарини ташкил этиш. Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида аёлларни оммавий тарзда ультратовуш текширувидан ўтказиш, ҳудудий ва Республика «Она ва бола скрининги» марказига текширишга юбориш учун хавф-хатар гуруҳини тузиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Кутилаётган натижа
18.	Хорижнинг етакчи илмий марказлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Чет эллик мутахассисларни бир-галикдаги фаолиятга жалб қилиш. Мамлакатимиз скрининг-марказлари мутахассисларини хорижда стажировкадан ўтказиш.	2018 — 2022 йй. ҳар йили таҳлилий мониторинг	-	Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Республика скрининг маркази (М.К. Шарипова), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Маҳорат дарслари ўтказиш, мамлакатимиз амалиётига замонавий технологияларни жорий этиш. Етакчи чет эл мутахассисларини жалб этган ҳолда илмий-амалий конференция ўтказиш.
III. Тугма ва ирсий касалликларнинг бирламчи профилактикаси бўйича тарғибот ишларини кучайтириш, ирсий касалликларга чалинган касалларни даволаш самарадорлигини ошириш						
19.	Тугма ва ирсий касалликларнинг, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш масалалари бўйича аҳоли орасида қуйидаги ахборот ва тарғибот ишларини олиб бориш: телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида чоп этиладиган ахборот кўламини кенгайтириш; қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамда болаларда тугма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида мавзуга доир семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш; тугма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш масалалари бўйича рисолалар ва буклетлар чоп этиш.	2018 — 2022 йй. ҳар ой 2018 — 2022 йй. ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	50,0 млн. сўм 40,0 млн. сўм 8,0 8,0 8,0 8,0	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), МТРК (А.Ж. Ходжаев), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова), «Маҳалла» фонди (Ш. Жавлонов), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси (Т.К. Нарбаева), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Тугма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш масалаларида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш. Ижтимоий телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, оммавий ахборот воситаларида босма ахборот ва нашрлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Аҳолининг хабардорлигини ошириш. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш.
20.	Республика тиббиёт ташкилотларида кам таъминланган оилаларнинг ногирон фарзандларини соғломлаштириш:	2018-2019 йиллар	143,5 минг АҚШ доллари	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова),	Турли патологияга эга касал болаларни соғломлаштириш ҳамда уларнинг ижтимоий мослашувини

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Қутилаётган натижа
	юқори лаб ва танглайда туғма нуқсонлари бўлган 300 нафар болани жарроҳлик йўли билан даволаш; оёқларида туғма нуқсонлари бўлган (маймоқ) ва бўйни қийшиқ 300 нафар болани жарроҳлик йўли билан даволаш; юрагида туғма нуқсонлари бўлган 40 нафар болани жарроҳлик йўли билан даволаш.	ш. ж., 2018 й. 2019 й.	72,0 71,5		Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова)	ва жамиятда ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришини таъминлаш.
21.	Неонатал скрининг натижасида аниқланган туғма гипотиреозга чалинган болаларни дори-дармонлар билан таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.	96,4 минг АҚШ доллари 19,3 19,3 19,3 19,3 19,3	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида скрининг марказларида диспансер назоратига олинган туғма гипотиреозга чалинган болаларни даволаш.
22.	Фенилкетонурияга чалинган болаларни махсус даволовчи овқатланишини таъминлаш.	2018 — 2022 йиллар ш. ж., 2018 й. 2020 й. 2022 й.	4 076,4 минг АҚШ доллари 1358,8 1358,8 1358,8	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (С.Т. Инамова)	Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида скрининг марказларида диспансер назоратига олинган фенилкетонурияга чалинган болаларни даволаш.
23.	Чақалоқларда туғма аномалиялар ривожланишининг хавф омилларини аниқлашга қаратилган ижтимоий текширувлар ўтказиш, вилоятлар кесимида туғруқ мажмуаларида.	2018 — 2022 йй. ҳар йили вилоят кесимида натижалар таҳлили	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова)	Чақалоқларда туғма аномалиялар ривожланишининг сабабини аниқлаш ва уни олдини олиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш.

Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга сарфланадиган харажатлар жами:

90,0 млн сўм ва 30,84 млн АҚШ доллари

шундан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси маблағлари

млрд. сўмда

—

— 90,0

млн АҚШ долларида

—

— 28,46

— 2,38

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1260 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 октябрдаги 849-сон қарори)*

Вазирлар Маҳкамасининг «Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 октябрдаги 849-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси А.С. Султонов ҳамда «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ бош директори Ф.Р. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 декабрь,
1017-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 25 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 декабрдаги 1017-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналарининг омборхоналарида тайёр маҳсулотлар қолдиқларининг нормативлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 167-сон қарорига 1-иловадаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга илова 12-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи ОАЖ» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илованинг 45-позициясидаги «Масъуллар» устунисидаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий аккумулятор батареялари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 24 мартдаги 51-сон қарорида:

а) 4-банддаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи ОАЖ» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 5-позицияси «Муассис номи» устунисидаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи ОАЖ» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 апрелдаги 115-сон қарорининг 4-бандидаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи ОАЖ» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқин-

диларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ҳудудлари ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 июлдаги 192-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи ОАЖ» сўзлари «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1261 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5017-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2900-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5017-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2900-сон, «2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2910-сон, «2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2912-сон ва «2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ–2922-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 декабрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 декабрь,
1019-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 декабрдаги 1019-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартиралли уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 40-модда) 1-иловада:

а) 5.1-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«кўп хонадонли уй-жой фондини умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда белгилаш;»;

б) 8.3-банддаги «Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда» сўзлари қўшилсин;

в) 11.17-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
««Коммуналўқув» ўқув-услубий маркази» ДУКда ўқигани тўғрисида те-

гишли сертификат мавжуд бўлганда ва номзод туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.»

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) қуйидаги мазмундаги 34-позиция қўшилсин:

«

34.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан солинадиган жарималардан тушадиган маблағлар	100
		Худудий молия органлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан белгиланадиган ичимлик сув таъминоти хизматларига тарифларга махсус устама	

».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек инвестиция лойиҳалари юзасидан ташаббус кўрсатиш ва амалга ошириш учун масъул йирик корхоналарнинг таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) 1-илованинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 й., 34-35-сон, 350-модда) 3-илованинг «Ўзкоммулхизмат» агентлиги» бўлимининг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-банддаги, 29-банднинг «б» кичик бандидаги, 32, 41-бандлардаги, 45, 54-бандлардаги иккинчи хатбошиларидаги, 48-банднинг еттинчи хатбошидаги, 55-банддаги «Ўзкоммулхизмат» агентлиги» сўзлари

«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг иссиқлик ва сув билан таъминлаш ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 6 ноябрдаги 300-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 45-сон, 593-модда) 10-бандида:

а) иккинчи хатбошидан «шунингдек, иссиқхона хўжаликлари томонидан иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергияси етказиб бериш иссиқлик энергиясига белгиланган тарифнинг икки баравари миқдори қўлланилган ҳолда амалга оширилади (кўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахсларга иситиш учун етказиб бериладиган иссиқлик энергияси бундан мустасно);».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молиявий иқтисодий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилаётган қарз ва кредит маблағларини жамлаш, қайтариш ва уларга хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 12 июндаги 154-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 60-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директорига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 2-бандидаги «масъул ижро этувчи агентликлар (Ўзбекистон «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар)» сўзлари «масъул ижро этувчи органлар (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Коммуналхизмат» агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар)» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари ҳисобига ичимлик сув таъминотини ва оқова сув хизматини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 2-сон, 60-модда):

а) 4-банддаги ««Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директори» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги ««Ўзкоммуналхизмат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг олтинчи хатбошидаги «Халмухамедов У.А. — «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директори» сўзлари «Ҳайдаров Т.А. — Уй-жой

коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг 15-бандидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловада:

5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК (кейинги ўринларда Инжиниринг компанияси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлигининг» ва «буюртмачилар» сўзлари тегишли равишда «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг» ва «буюртмачи» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлигига» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги ва 32-банднинг биринчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги ««Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси» сўзлари «Инжиниринг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлигига» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

17 ва 20-бандлардаги ««Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси» сўзлари «Инжиниринг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банднинг биринчи хатбошидаги «буюртмачиларнинг раҳбарлари — «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари» сўзлари «Инжиниринг компаниялари раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўп квартирали уйларда лифт қурилмалари ҳолатини янада яхшилаш ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги Бош ободонлаштириш бошқармаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 10 августдаги 235-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 32-сон, 431-модда) 3-банди учинчи хатбошидаги «Тошкент шаҳри ҳокимлигининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси» сўзлари « — Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Сув таъминоти ва канализация ташки-

лотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 30 октябрдаги 306-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 44-сон, 560-модда):

а) 1-банддан «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 11-банднинг биринчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

илованинг номидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги» сўзлари чиқариб ташлансин;

изоҳдаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлигининг» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1а ва 1б-иловаларга изоҳлардаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлигининг» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2-иловада:

«Тадбирлар номи» устунида:

3 ва 4-бандлардаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Ўзкоммунўқувташкilotчи» республика ўқув-методик ва норматив-инжиниринг марказида» сўзлари ««Коммунўқув» ўқув-методик маркази ДУКда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъул бажарувчилар» устунидаги:

2 — 5, 13, 17, 20, 21, 24, 26, 28 — 30, 40, 43 — 45-бандлардаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банддаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» ва ««Ўзкоммуналлойихақурилиш» МЧЖ» сўзлари тегишли равишда «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» ва ««Ўзбеккоммуналлойихақурилиш» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 5 январдаги 3-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини (кейинги ўринларда шаҳарсозлик ҳужжатлари деб аталади) ишлаб чиқиш, шунингдек уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 12-позициясида:

«Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар» устунидаги ««Ўзкоммунхиз-

мат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Келишиш предмети» устундаги «Аҳоли пунктлари ҳудудларидан маиший ва саноат чиқиндиларини чиқариб ташлаш ва утилизация қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 6-модда):

а) 5-илованинг 2-банди саккизинчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги («Сувоқава» ДУК тизимидаги ҳудудий бўлимлар билан биргаликда)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (ҳудудий бошқармалар билан биргаликда)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-илованинг 17-банди «Лойиҳа ташкилотлари номи» ва «Вазирликлар ва идоралар номи» устундаги ««Ўзкоммуналлойиҳақурилиш» МЧЖ» ва ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари тегишли равишда ««Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш» ДУК» ва «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) 1-иловада:

а) қуйидаги мазмундаги 28¹-банд қўшилсин:

«28¹. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги»;

б) 39-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2019 йилларда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 декабрдаги 400-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 50-сон, 567-модда) 6-илованинг 7-бандидаги ««Махкамов И.Р. — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори» сўзлари «Ҳайдаров Т.А. — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 106-модда) 4-банди биринчи хатбошидаги ««Ўзкоммунхизмат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси фао-

лиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 27 мартдаги 159-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 34-модда) 2-илованинг еттинчи хатбошидаги «лавозими бўйича — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори» сўзлари «Ҳайдаров Т.А. — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда «Коммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 87-модда):

а) 1-илованинг 21-банди иккинчи хатбошидаги «давлат муассасаларида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 20-банди иккинчи хатбошидаги «давлат муассасалари ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги хизматлари учун» сўзлари «узук муддат хизмат қилгани учун» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 17-банди иккинчи хатбошидаги «давлат муассасалари ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги» сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 22 июндаги 409-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 25-сон, 550-модда) иловада:

а) 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш давлат ташкилотларидаги узлуксиз иш стажини ҳисобга олган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг тўртинчи хатбошидаги «уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги узлуксиз иш стажини ҳисобга олган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1262** Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомни ҳамда патент божлари ва тўловлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Илмий-техник ва инновацион фаолиятни янада ривожлантириш, илмий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш харажатларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомни ҳамда патент божлари ва тўловлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 26-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Интеллектуал мулк агентлиги бош директори А.Н. Файзуллаев зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 декабрь,
1020-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 декабрдаги 1020-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомни ҳамда патент божлари ва тўловлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-иловада:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Бож ёки тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатда талабнома ёки патент, гувоҳноманинг рўйхатдан ўтказиш рақами, бож ёки тўлов тўлан-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 декабрда эълон қилинган.

ган хатти-харакат номи ҳамда солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) бўлиши лозим. Агар талабномага рўйхатдан ўтказиш рақами берилмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатда бож ёки тўлов тўланган хатти-харакатнинг номи билан биргаликда ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номлари, интеграл микросхемалар топологиялари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари, шунингдек, биринчи муаллифнинг фамилияси ёки талабнома берувчининг номи бўлиши керак. Агентлик кўрсатиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳужжатни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.»;

б) 6 ва 8-бандлардаги «бююртманома» сўзи тегишли келишиқда «талабнома» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 2-иловада:

а) 1.1, 1.1.1, 1.1.2, 1.1.3, 1.2.2, 1.4.1, 1.4.2, 1.4.3, 1.6.1, 1.6.3, 1.6.5, 1.6.6, 1.7.1, 1.7.2, 1.7.3, 2.1, 2.2.1, 2.2.2, 2.3.2, 2.6.1, 2.6.3, 3.1, 3.1.1, 3.1.2, 3.5.1, 3.5.4, 3.5.5, 3.6.1, 3.6.2, 5.1, 5.4, 6.1.1, 6.1.2, 7.1 ва 7.4-бандлардаги «бююртманома» сўзи тегишли келишиқда «талабнома» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1.3.3-банднинг «Ставкалар» устунидаги «3» рақами «0,6» рақами билан алмаштирилсин;

в) 1.4.1-банднинг «б» кичик банди «Ставкалар» устунидаги «5» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин;

г) 2.4 кичик бўлими қуйидаги мазмундаги 2.4.3-банд билан тўлдирилсин:

«

2.4.3.	Селекция ютуғи патентнинг амал қилишини тиклаганлик учун	патентнинг амал қилишини сақлаб турганлик учун белгиланган бож миқдорининг 100 фоизи (патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида илтимоснома берилган сана тўғри келадиган йил учун)	Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
--------	--	--	--

»;

д) 6-бўлимнинг 6.1 — 6.4 кичик бўлимларида «аризалар» ва «ариза» сўзлари тегишли равишда «апелляциялар» ва «апелляция» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1263 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловаға мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорға мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 26 декабрь,
1021-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 26 декабрдаги 1021-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Кичик

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 декабрда эълон қилинган.

тадбиркорликни ривожлантириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва хорижий кредитларни бериш тартибининг 11-банди учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тартибининг 5-банди иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида биржа ва кўргазма-ярмарка савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 223-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 25-модда) 3-бандидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 9-сон, 52-модда) 1-банди биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошиси, 8 ва 9-бандлардаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-иловада:

1.2-банднинг учинчи хатбошисидаги «ва Фермерлар кенгаши бўлими» сўзлари «бўлими ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.3-банддаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 81-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «фермерлари кенгашининг фер-

мер хўжаликлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари бўйича бош» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳуқуқий масалалар ва шартномавий муносабатлар гуруҳи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-бандда:

иккинчи хатбошидаги «фермерлари кенгашини» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашини» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «фермерлари кенгашининг фермер хўжаликлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари бўйича бош мутахассиси» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳуқуқий масалалар ва шартномавий муносабатлар гуруҳи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банддаги «фермерлари кенгашининг фермер хўжаликлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари бўйича бош мутахассиси» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳуқуқий масалалар ва шартномавий муносабатлар гуруҳи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 105-модда):

а) 7-иловада:

7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар, шунингдек, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқаролар бошқа тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар.»;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги «туман фермерлари кенгашига» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Туман фермерлари кенгаши» сўзлари «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошилардаги «туман фермерлари кенгашининг» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-илованинг тўққизинчи бўлимидаги «фермерлар кенгашининг фермер хўжаликларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари бўйича бош» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳуқуқий масалалар ва шартномавий муносабатлар гуруҳи» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 15-модда) 1-иловадаги «Қобитов С.Ш. — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси» сўзлари «Юсупов Б.Т. — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентининг 35-банди иккинчи хатбошисидаги «фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича эса — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли, шунингдек, уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича эса — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 12-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомнинг 11-бандидаги «туман фермерлар кенгаши» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низомда:

12-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг учинчи хатбошисидаги «туманлар Фермерлар кенгашлари» сўзлари «туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илованинг 26 ва 27-бандлари «Масъуллар» устунисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш яқунлари тўғрисида» 2010 йил 16 мартдаги 47-сон қарорининг 6-бандидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «туман фермерлари кенгашига» сўзлари «туман

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши беш кун мобайнида аризаларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради.»;

бешинчи хатбошидаги «Туман фермерлари кенгаши» сўзлари «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «туман фермерлари кенгашининг» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 14-банднинг «а», «б», «в», «г», «д» кичик бандларидаги «туман фермерлари кенгаши» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 16-банддаги «туман фермерлари кенгаши» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «туман фермерлари кенгашига» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Туман фермерлари кенгаши» сўзлари «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Туман фермерлари кенгашининг» сўзлари «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 21-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «туман фермерлари кенгашининг» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 22-банддаги «туман фермерлари кенгашига» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 21 июндаги 176-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 26-сон, 334-модда) 3-илованинг 5-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Б. Юсупов — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси».

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 218-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 52-модда) билан тасдиқлан-

ган Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «туман фермерлар Кенгаши» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги «худудий Фермерлар кенгаши» сўзлари «худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 18-банддаги «туман фермерлар Кенгашига» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 19-банддаги «Ўзбекистон фермерлари Кенгашига» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-илованинг «II босқич» ва «IV босқич» позициялари «Масъуллар» устунлари матнидаги «Фермерлари кенгаши» ва «Фермерлар кенгаши» сўзлари тегишли равишда «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2 ва 3-иловалардаги «Фермерлар кенгаши» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 68-модда) 1-иловадаги «С.Турдиев — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси» сўзлари «Б. Юсупов — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси тўғрисида намунавий низомнинг 6-бандидаги «фермерлар кенгаши» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг сўзлари тегишли равишда «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» ва «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 93-модда):

а) 1-илованинг 26-бандидаги «Фермерлар Кенгашлари» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 27-бандидаги «Туман Фермерлар Кенгаши» сўзлари «Ту-

ман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 апрелдаги 80-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 4-банддаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-7-бандлардаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 23-банддаги «фермерлар кенгашлари» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
Ѓўза ва бошоқли дон экинлари учун			
1-босқич	Худудлар бўйича суғурта уруғлик фонди учун ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳажмлари тўғрисида, селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонлари бўйича қўшма қарор қабул қилиш. Қўшма қарорни худудларга етказиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АҚ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	10 январгача — ғўза, 10 июлгача — бошоқли дон
2-босқич	Туманлар бўйича суғурта уруғлик фонди учун ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳажмлари, селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонлари бўйича қўшма қарор қабул қилиш. Қўшма қарорни туманларга етказиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АҚ, худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	13 январгача — ғўза, 13 июлгача — бошоқли дон
3-босқич	Аниқ уруғчилик хўжалиklarини белгилаш ҳамда келгуси йил ҳосили учун асосий уруғлик фондининг уруғлик ҳажмларига кўра суғурта уруғлик фондининг улушини аниқлаш.	Туманлар ҳокимликлари	1 мартгача — ғўза, 15 августгача — бошоқли дон

Босқич-лар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
4-босқич	Ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғликларини етиштириш.	Худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари, белги-ланган тартибда ўтказиладиган танлов натижаларига мувофиқ аниқланган уруғчи-лик хўжаликлари	Агротехника муддатларида
5-босқич	1. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган уруғликларни пахта ва дон қабул корхоналарида қайта ишлаш. 2. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг сифатини аниқлаш учун лабора-тория таҳлилларини ўтказиш ва тегишли хулосалар бериш.	1. «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК, уруғлик тайёрлаш бўйича бошқа цехлар 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари-ни сертификатлаш ва сифати-ни назорат қилиш давлат маркази	1. 1 мартгача — ғўза, 25 августгача — бошоқли дон 2. Доимий равишда
6-босқич	Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини сақлаш.	«Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК	Бир йилдан ортиқ эмас
7-босқич	Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларидан фойдаланиш.	Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Вазирлар Кенгаши, ви-лоятлар ва туманлар ҳоким-ликлари, худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томор-қа ер эгалари кенгашлари, фермер хўжаликлари	Мақбул агротехника муддатларида ва зарур ҳолатларда
Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари учун			
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимларининг таклифларига асосан туманлар бўйича бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етишти-риш ҳажмлари, селекция нав-лари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонларини белгилаш. Қарорларни туманларга етказиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари, туманлар ҳокимликлари	Экишдан 15 кун олдин
2-босқич	Уруғчилик хўжаликларини белгилаш ҳамда келгуси йил ҳосили учун асосий уруғлик фондининг уруғлик ҳажмларига кўра суғурта уруғлик фондининг улушини аниқлаш.	Туманлар ҳокимликлари	Экишдан 10 кун олдин

Босқич-лар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
3-босқич	Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш.	Худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари, уруғчилик хўжаликлари	Агротехника муддатларида
4-босқич	1. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини қайта ишлаш. 2. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг сифатини аниқлаш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш ва тегишли хулосалар бериш.	1. Уруғлик тайёрловчилар 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази	1. Экишдан 10 кун олдин 2. Доимий равишда
5-босқич	Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сақлаш.	Уруғлик тайёрловчилар	Кўпи билан бир йил
6-босқич	Суғурта уруғлик фондидаги бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини имкониятлари чекланган минтақаларга, халқаро шартномалар бўйича, шунингдек табиий офатлар эҳтимолини назарда тутган ҳолда ва бошқа мақсадлар учун етказиб бериш учун улардан фойдаланиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари, фермер хўжаликлари, экспорт ва импорт қилувчилар	Мақбул агротехника муддатларида ва зарур ҳолатларда

»;

д) 2 ва 3-иловалардаги «фермерлари кенгаши» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014 — 2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 27 майдаги 132-сон қарориди:

4-банддаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгашига» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 14-банди «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 17-сон, 206-модда) 1-иловадаги

«Турдиев С. — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси» сўзлари «Юсупов Б. — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 44-сон, 563-модда) 1-ило-ванинг 3, 9, 10, 13, 14, 15, 25, 32-бандлари «Масъул бажарувчилар» усту-нидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаш-тирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон қарорига (Ўзбекистон Респуб-ликаси ҚХТ, 2015 й., 50-сон, 627-модда):

а) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «худудий фермер кенгашларининг» сўзлари «худо-дий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбе-кистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари би-лан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжа-ликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-сида» 2016 йил 21 апрелдаги 118-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 27-модда):

а) 2 ва 4-бандларнинг олтинчи хатбошиларидаги ва 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари би-лан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» блокадаги «Ўзбекистон Фер-мерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

11-банддаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари би-лан алмаштирилсин;

12-банднинг учинчи хатбошисидаги «туман фермерлар кенгашларининг» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15. Ҳар йили 5 ноябрғача туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари базавий касб-хунар коллежлари билан биргаликда ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ схема бўйича навбатдаги календарь йил учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари контингенти ва уларнинг курслардан ўтиши жадваллари бўйича таклифлар тайёрлайдилар, уларни туманлар ҳокимликлари билан келишадилар ва ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига киритадилар.»;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги «фермерларнинг ҳудудий кенгашлари» сўзлари «ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Фермерларнинг туман кенгашлари» сўзлари «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгашига» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банддаги ва 22-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банднинг иккинчи хатбошисидаги «фермерлар кенгашлари» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг еттинчи хатбошисидаги «туманларнинг фермерлар кенгашлари» сўзлари «туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

«Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Фермерларнинг минтақавий кенгашлари» сўзлари «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг минтақавий кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Туманлар фермерлари кенгаши» сўзлари «Туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 июндаги 206-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 55-модда) 5-бан-

дидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 1 ноябрдаги 378-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 44-сон, 514-модда) 3-бандидаги «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 20 январдаги 20-сон қарорида:

1-илованинг 9-банди «Амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар» устундаги «Фермерлар кенгашлари» сўзлари «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Юсупов Б. — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси».

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Хайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 38-сон, 1057-модда) 6-бандидаги «Ўзбекистон Фермерлар кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 сентябрдаги 774-сон қарори билан тасдиқланган Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисида намунавий низомда:

а) 1-илованинг 22-бандидаги «Фермерлар кенгашлари» сўзлари «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 22-бандидаги «Туман Фермерлар кенгаши» сўзлари «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****1265 Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 920-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотларини кадрлар билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 25 декабрь,
131-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
25 декабрдаги 131-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан
ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Малака тоифасини олиш учун мурожаат қилган врачларнинг мутахассислик бўйича иш стажини Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига мувофиқ аниқланади.

Мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқишда мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган турдош мутахассисликлар бўйича иш стажини ўзаро ҳисобга олинади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходими мутахассислигининг номи ўзгарганда, унинг олдинги мутахассислиги бўйича олган малака тоифаси ва у бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақланади, кейинчалик янги номдаги мутахассислик бўйича малака тоифасини олиш учун мурожаат қилганда олдинги мутахассислиги бўйича иш стажини ва олган малака тоифасини инобатга олинади.

Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ёки кўп тармоқли марказий поликлиникаларда умумий амалиёт шифокори лавозимида ишлаётган тор мутахассисликка эга бўлган врачлар иш фаолиятини тор мутахассислиги бўйича давом эттирган тақдирда, уларнинг умумий амалиёт шифокори лавозимида ишлаган даврда олган малака тоифасини сақланиб қолади, шунингдек тор мутахассислиги бўйича малака тоифасини олиш учун мурожаат қилганда умумий амалиёт шифокори лавозимида ишлаган даврдаги иш стажини ва олган малака тоифасини инобатга олинади ҳамда улар тегишли тор мутахассислиги бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда малака ошириганидан сўнг аттестациядан ўтказилади.

Тиббиёт муассасаларида тор мутахассислиги бўйича ишлаётган врачлар қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ёки кўп тармоқли марказий поликлиникаларга умумий амалиёт шифокори лавозимига ишга ўтган тақдирда, уларнинг тор мутахассислик бўйича олган малака тоифасини сақланиб қолади, шунингдек умумий амалиёт шифокори лавозими бўйича малака тоифасини олиш учун белгиланган тартибда мурожаат қилганда тор мутахассислиги бўйича ишлаган даврдаги иш стажини ва олган малака тоифасини инобатга олинади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда малака ошириганидан сўнг аттестациядан ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосар-

лари ҳамда бошқарув ходимлари жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш мутахассислиги бўйича, давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув ходимлари умумий гигиена ва эпидемиология мутахассислиги бўйича малака тоифаси олиш учун мурожаат қилишлари мумкин.»

2. 1-илованинг 6-позицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 6. «Умумий амалиёт шифокори» Барча тор мутахассисликлар ».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Молия вазири

Ж. ҚЎЧҚОРОВ

2017 йил 25 декабрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

А. ХАИТОВ

2017 йил 25 декабрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Қ. РАФИҚОВ

2017 йил 25 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1268 Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва
реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар кириштириш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 10 февралдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2196, 2011 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 декабрь,
01/15-2-10/37-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2017 йил 21 декабрдаги
01/15-2-10/37-сон қарорига
ИЛОВА

**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши
юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари (кейинги ўринларда қонун ҳужжатлари деб юритилади) талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартибини белгилайди.»

2. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 21 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1269** Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-1

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 593-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2018 йил 1 январдан кучга кирази.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
159-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги
159-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси хузуридаги Ўзбекистон» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ғазначилик амалиёт куни — ягона ғазна ҳисобварағига бюджет тизими бюджетларининг даромадларини қабул қилиш ва ундан харажатларни тўлаб бериш амалиётлари амалга ошириладиган вақт.»;

ўн тўртинчи хатбоши ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 6-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 7-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини «UzASBO» ДМда шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. Тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларининг электрон шаклда расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.».

4. Қўйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

«13¹. Ғазначилик бўлинмалари орқали тўловлар Ғазначилик амалиёт кун

мобайнида амалга оширилади.
Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишларига асосан Ғазначилик амалиёт кун

Молия вазирлиги томонидан фақат даромадларнинг ғазна ижроси ёки фақат харажатларнинг ғазна ижроси учун белгиланиши мумкин.».

5. Қўйидаги мазмундаги 38¹-банд билан тўлдирилсин:
«38¹. Ғазначилик бўлинмаларида юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун барча ҳужжатларни фақат электрон шаклда тақдим этадиган «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачилари томонидан имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди.».

6. 43-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар ЮММР буюртмасини «UzASBO» ДМда шакллантиради ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига электрон ҳужжат шаклида юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган ЮММР буюртмалари қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. ЮММР буюртмаларининг электрон шаклда расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.»

7. 44-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси маълумотларини «UzASBO» ДМга киритади ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қоғоз шаклидаги асл нусхаси ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қоғоз ва электрон шаклда расмийлаштирилиши, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ўзаро мувофиқлиги ва аслининг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.»

8. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Буюртмачиларнинг «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида ғазначилик бўлинмаларига юборилган ЮММР буюртмалари ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси ғазначилик бўлинмалари томонидан харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилади.»

9. 57-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«шартнома суммаси 1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача суммани ташкил этганида буюртмачи томонидан тузиладиган идоравий танлов комиссиялари баённомаси нусхаси;

шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган идоралараро танлов (тендер) комиссиялари баённомаси нусхаси;».

10. Қуйидаги мазмундаги 71¹ — 71⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«71¹. «UzASBO» ДМга уланган капитал қўйилма буюртмачилари етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузган шартномаларини ва унга тегишли

иловаларни мазкур Қоидаларнинг 71² ва 71⁴-бандларида белгиланган тартибда «UzASBO» ДМ орқали ғазначилик бўлинмаларига юборишлари мумкин.

71². «UzASBO» ДМга уланган капитал қўйилма буюртмачилари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчини танлаб шартнома тузганидан сўнг танлов (тендер) баённомаси ҳамда шартнома (қонун ҳужжатларига мувофиқ бажариш муддати бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этадиган шартномалар бўйича шартномага қўшимча келишув) маълумотларини «UzASBO» ДМга киритади ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади. Капитал қўйилма буюртмачилари шартнома маълумотларини «UzASBO» ДМга киритишда шартнома бўйича ишларни бошлаш учун зарур ҳужжатлар (қурилишнинг манзилли ва титул рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган танлов савдолари натижалари ҳисоботи, пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг рухсати, давлат экология экспертизаси хулосаси (зарур бўлганда) мавжудлигини «UzASBO» ДМда электрон тарзда тасдиқлайди.

«UzASBO» ДМ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон ҳужжат шаклида ғазначилик бўлинмаларига юборилган танлов (тендер) баённомаси ҳамда шартноманинг қоғоз шаклидаги асл нусхаси, шунингдек шартнома тузиш учун асос бўлган ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва капитал қўйилма буюртмачиларида сақланади.

Бунда бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан шартнома тузишда етказиб берувчиларни танлаш тартиботларини тўғри ўтказилиши, шартномани расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган барча талабларга риоя этилиши, шартнома бўйича ишларни бажаришга ваколатли органлар хулосалари ва рухсатларининг мавжудлиги, шунингдек танлов (тендер) баённомаси ва шартноманинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлиги, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги, шартноманинг асли ва шартнома тузиш учун асос бўлган барча ҳужжатларнинг сақланиши учун капитал қўйилма буюртмачилари жавобгар ҳисобланади.

71³. «UzASBO» ДМга уланган капитал қўйилма буюртмачилари буюртмачи хизматини сақлаб туришга харажатлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган йиғимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича «UzASBO» ДМда буюртма шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган буюртма қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. Буюртма учун асос бўлган ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва капитал қўйилма буюртмачиларида сақланади.

Бунда буюртманинг асослилиги ва унга асос бўлган барча ҳужжатларнинг сақланиши учун капитал қўйилма буюртмачилари жавобгар ҳисобланади.

71⁴. Капитал қўйилма буюртмачиларининг «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида ғазначилик бўлинмаларига юборилган шартномалари ва буюртмалари ғазначилик бўлинмалари томонидан харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда капитал қўйилма буюртмачиларига қайтарилади.»

11. 78-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«Бунда шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун барча ҳужжатларни ғазначилик бўлинмаларига «UzASBO» ДМ орқали фақат электрон шаклда тақдим этадиган буюртмачилар етказиб берувчиларнинг (пудратчиларнинг) тегишли лицензиянинг ёки рухсатнома тусидаги ҳужжатнинг нусхасини ўзларида сақлайдилар ва ушбу ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди.»

12. 87-бандда:

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«шартнома суммаси 1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача суммани ташкил этганида буюртмачи томонидан тузиладиган идоравий танлов комиссиялари баённомаси нусхаси;

шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган идоралараро танлов (тендер) комиссиялари баённомаси нусхаси;»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисобласин.

13. 89 ва 90-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. 91-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«шартнома суммаси 1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача суммани ташкил этганида буюртмачи томонидан тузиладиган идоравий танлов комиссиялари баённомаси нусхаси;

шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган идоралараро танлов (тендер) комиссиялари баённомаси нусхаси.»

15. 93-бандда:

биринчи хатбошидаги «танлов, тендер ёки электрон савдолари ўтказмасдан, шунингдек биржанинг махсус ахборот порталига эълон жойлаштирмасдан дорихона муассасалари» деган сўзлар «танлов (тендер) савдолари ўтказмасдан дорихоналар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «дорихона муассасалари» деган сўзлар «дорихоналар» деган сўз билан алмаштирилсин.

16. Қуйидаги мазмундаги 109¹, 109² ва 109³-бандлар билан тўлдирилсин:

«109¹. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда етказиб берувчини танлаб шартнома тузганидан сўнг танлов (тендер) баённомаси ҳамда шартнома (қонун ҳужжатларига мувофиқ бажариш муддати бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этадиган шартномалар бўйича шартномага қўшимча келишув) маълумотларини «UzASBO» ДМга киритади ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган танлов (тендер) баённомаси ҳамда шартноманинг қоғоз шаклидаги асл нусхаси ва шартнома тузиш учун асос бўлган ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади.

Бунда бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан шартнома тузишда етказиб берувчиларни танлаш тартиботларини тўғри ўтказилиши, шартномани расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган барча талабларга риоя этилиши, шартнома бўйича ишларни бажаришга ваколатли органлар ҳулосалари ва рухсатларининг мавжудлиги, шунингдек танлов (тендер) баённомаси ва шартноманинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлиги, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги, шартноманинг асли ва шартнома тузиш учун асос бўлган барча ҳужжатларнинг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

109². «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган йиғимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича «UzASBO» ДМда буюртма шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган буюртма қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. Буюртма учун асос бўлган ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади.

Бунда буюртманинг асослилиги ва унга асос бўлган барча ҳужжатларнинг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

109³. Буюртмачиларнинг «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида ғазначилик бўлинмаларига юборилган шартномалари ва буюртмалари ғазначилик бўлинмалари томонидан харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилди.».

17. Қуйидаги мазмундаги 114¹-банд билан тўлдирилсин:

«114¹. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачиларнинг лизинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш мазкур Қоидаларнинг 109¹ — 109³-бандларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.».

18. Қуйидаги мазмундаги 123¹-банд билан тўлдирилсин:

«123¹. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачиларнинг импорт шартномаларини, шунингдек импорт шартномалари бўйича кўрсатилган хизматлар (аккредитив очиш, конвертация ва бошқа хизматлар) учун тўловлар бўйича буюртмаларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш мазкур Қоидаларнинг 109¹ — 109³-бандларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Бунда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт шартномалари, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ваколатли органларда тегишли экспертизадан ўтказилиши лозим бўлганида мазкур шартномалар, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар дастлаб ваколатли органларда тегишли экспертизадан ўтказилиши ва ҳисобга қўйилиши лозим.».

19. 124-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«124. Ҳазначилик бўлинмалари буюртмачилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузилаётган шартномаларнинг сифатли таъминланишини ва нарх-наво ечимини назарда тутувчи бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни танлов (тендер) савдолари ўтказилганлиги натижаларини тасдиқловчи танлов (тендер) комиссияси баённомаси нусхаси олиш йўли билан амалга оширади.

Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар танлов (тендер) савдолари ўтказилганлиги натижаларини тасдиқловчи танлов (тендер) комиссияси баённомаларини «UzASBO» ДМга киритиб электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклини шартнома билан бирга ҳазначилик бўлинмаларига юборади.».

20. 127-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар тўлов топшириқномалари ва ҳазна мемориал ордерларини мазкур Қоидаларнинг 7-бандида белгиланган тартибда электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ҳазначилик бўлинмаларига юборади.».

21. Қўйидаги мазмундаги 163¹ ва 163²-бандлар билан тўлдирилсин:

«163¹. «UzASBO» ДМга уланган капитал қўйилма буюртмачилари товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилардан (пудратчилардан) ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура олганларидан сўнг ҳисобварақ-фактура маълумотларини «UzASBO» ДМга киритади ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ҳазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ҳазначилик бўлинмаларига юборилган ҳисобварақ-фактуранинг қоғоз шаклидаги асл нусхаси ҳазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва Қоидаларнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма расмийлаштирилмайди.

Бунда ҳисобварақ-фактура аслининг капитал қўйилма буюртмачиларида мавжудлиги, ҳисобварақ-фактуранинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлиги, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда аслининг сақланиши учун капитал қўйилма буюртмачилари жавобгар ҳисобланади.

163². Капитал қўйилма буюртмачиларининг «UzASBO» ДМ орқали электрон хужжат шаклида фазначилик бўлинмаларига юборилган ҳисобварақ-фактуралари фазначилик бўлинмалари томонидан ушбу ҳисобварақ-фактуранинг тегишли шартномага мувофиқлиги устидан назорат ўрнатиш асосида бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда капитал қўйилма буюртмачиларига қайтарилади.».

22. 164-банддаги «электрон шаклда» деган сўзлар «электрон хужжат шаклида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. Қуйидаги мазмундаги 179¹ ва 179²-бандлар билан тўлдирилсин:

«179¹. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилардан (пудратчилардан) ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура олганларидан сўнг ҳисобварақ-фактура маълумотларини «UzASBO» ДМга киритади ва электрон хужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда фазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон хужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда фазначилик бўлинмаларига юборилган ҳисобварақ-фактуранинг қоғоз шаклидаги асл нусхаси фазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва Қоидаларнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма расмийлаштирилмайди.

Бунда ҳисобварақ-фактура аслининг буюртмачиларда мавжудлиги, ҳисобварақ-фактуранинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлиги, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда аслининг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

179². Буюртмачиларнинг «UzASBO» ДМ орқали электрон хужжат шаклида фазначилик бўлинмаларига юборилган ҳисобварақ-фактуралари фазначилик бўлинмалари томонидан ушбу ҳисобварақ-фактуранинг тегишли шартномага мувофиқлиги устидан назорат ўрнатиш асосида бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилади.».

24. 180-банддаги «электрон шаклда» деган сўзлар «электрон хужжат шаклида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. 196-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ижро хужжатида мувофиқ маблағни тўлаб бериш учун «ЎРМВ» АТда юридик мажбуриятни шакллантиради ва тасдиқлайди, шунинг билан биргаликда ушбу юридик мажбурият асосида тўлов хужжатини шакллантиради ва маъқуллайди;

ижро хужжатининг аслини фазначилик бўлинмаларига тақдим этади.

Агар ижро варақаси ёки суд буйруғи судьянинг электрон рақамли им-

зоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилган бўлса, унинг асл нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди.».

26. 197-банд қўйидаги таҳрирдан баён этилсин:

«197. Ҳазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари молия органлари томонидан ижро ҳужжатининг асли тақдим этилганидан сўнг икки иш куни муддатида молия органлари томонидан «ЎРМВ» АТда маъқулланган тўлов ҳужжатини тасдиқлаш ва тўловни амалга ошириш йўли билан ижро ҳужжати ижросини таъминлайди ва ижро ҳужжатининг аслини тегишли молия органига қайтаради.

Ундирувчининг аризаси ва ижро ҳужжатининг асли молия органида сақланади.».

27. 198 ва 199-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

28. 206-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«206. Бюджет ташкилотлари ижро ҳужжатини ёки Ҳазначилик бўлинмасининг тегишли хабарномасини олганидан сўнг маблағларни ўтказиб бериш учун икки иш куни ичида «UzASBO» ДМда буюртма шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Ҳазначилик бўлинмаларига юборади.

Ҳазначилик бўлинмасининг масъул ходими буюртмани икки иш куни ичида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон тарзда бюджет ташкилотига қайтаради.».

29. Қўйидаги мазмундаги 206¹-банд билан тўлдирилсин:

«206¹. Ҳазначилик бўлинмасида буюртма рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бюджет ташкилотлари бир иш куни ичида «UzASBO» ДМда тўлов ҳужжати шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Ҳазначилик бўлинмаларига электрон шаклини юборади.

Ҳазначилик бўлинмасининг масъул ходими тўлов ҳужжатини «ЎРМВ» АТда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тўловни амалга оширади, тўлов ҳужжатида камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон тарзда бюджет ташкилотига қайтаради.».

30. 207-банддаги «206-бандида» деган сўзлар «206 ва 206¹-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 211-банддаги «суд ижрочисининг қарорида» деган сўзлар «ижро ҳужжатида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

32. Қўйидаги мазмундаги 223¹, 223² ва 223³-бандлар билан тўлдирилсин:

«223¹. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар кредитор қарздорликларни тўлаб бериш учун буюртма шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Ҳазначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Ҳазначилик бўлинмаларига юборилган буюртма қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. Буюртма учун асос бўлган ҳужжатлар, жумладан буюртмачи ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб

берувчи (пудратчи) ўртасида ўтган йил якуни бўйича тузилган солиштириш далолатномаси ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар газначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади.

223². Газначилик бўлинмасининг масъул ходими буюртмада кўрсатилган кредиторлик қарздорликни «ЎРМВ» АТда ўтган молия йилида рўйхатдан ўтказилган шартнома билан солиштиради. Маълумотлар мувофиқ бўлганида ва буюртмада кредиторлик қарздорликни тўлаш учун кўрсатилган маблағ мазкур шартнома бўйича тўланмаган маблағ миқдоридан ошмаса буюртмани икки иш куни ичида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон тарзда бюджет ташкилотига қайтаради.

223³. Газначилик бўлинмасида буюртма рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бюджет ташкилотлари «UzASBO» ДМда тўлов ҳужжати шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда газначилик бўлинмаларига юборади.

Газначилик бўлинмасининг масъул ходими тўлов ҳужжатини «ЎРМВ» АТда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тўловни амалга оширади, тўлов ҳужжатида камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон тарзда бюджет ташкилотига қайтаради.»

33. 225-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«225. Иқтисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказиш учун бюджет ташкилотлари «UzASBO» ДМда тўлов ҳужжати шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда «ЎРМВ» АТга юборади.

Иқтисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўлов ҳужжати молия органлари томонидан «ЎРМВ» АТда маъқулланганидан сўнг газначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.»

34. 226 ва 227-бандлардаги «беш» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин.

35. Қуйидаги мазмундаги 233¹, 233² ва 233³-бандлар билан тўлдирилсин:

«233¹. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар кредитор қарздорликларни тўлаб бериш учун «UzASBO» ДМда буюртма шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда газначилик бўлинмаларига юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда газначилик бўлинмаларига юборилган буюртма қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. Буюртма учун асос бўлган ҳужжатлар, жумладан буюртмачи ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи (пудратчи) ўртасида ўтган йил якуни бўйича тузилган солиштириш далолатномаси ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни

етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади.

233². Ғазначилик бўлинмасининг масъул ходими буюртмада кўрсатилган кредиторлик қарздорликни «ЎРМВ» АТда ўтган молия йилида рўйхатдан ўтказилган шартнома билан солиштиради. Маълумотлар мувофиқ бўлганида ва буюртмада кредиторлик қарздорликни тўлаш учун кўрсатилган маблағ мазкур шартнома бўйича тўланмаган маблағ миқдоридан ошмаса буюртмани икки иш куни ичида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон тарзда бюджет ташкилотига қайтарилади.

233³. Ғазначилик бўлинмасида буюртма рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бюджет ташкилотлари «UzASBO» ДМда тўлов ҳужжати шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади.

Ғазначилик бўлинмасининг масъул ходими тўлов ҳужжатини «ЎРМВ» АТда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тўловни амалга оширади, тўлов ҳужжатида камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон тарзда бюджет ташкилотига қайтаради.».

36. 235-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда «UzASBO» ДМ орқали ғазначилик бўлинмаларига электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб юборилган электрон ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлиги, электрон ҳужжатларга асос бўлган ҳужжатларнинг асли, шунингдек шартнома тузиш учун асос бўлган барча ҳужжатларнинг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.».

37. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2017 йил 20 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1270 Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартиб-
даги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар
операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2958*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон «Юридик ва
жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо
фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт
вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар-
нинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғри-
сидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
165-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
151-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
2017-68-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 декабрда
эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил
27 ноябрдаги 165, 151 ва
2017-68-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги
тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини
ҳисобга олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юридик шахсни ташкил этмасдан чакана савдо фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорларнинг (бундан буён матнда якка тартибдаги тадбиркорлар деб юритилади) даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдо мазкур Низомга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Импорт товарлари савдосини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

**2-боб. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромадларни ва
товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари**

3. Чакана савдо фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромадлар ва амалга оширилган товар операциялари ҳисобини даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида юритишлари шарт.

4. Қўйидагилар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари ҳисобланади:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари (бундан буён матнда Ҳисоб дафтари деб юритилади);

Товар чеклари дафтари.

Ҳисоб дафтари ва Товар чеклари дафтари шакллари Ўзбекистон Республикаси

публикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) 15-илоvasи билан тасдиқланган.

5. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади (бундан буён матнда солиқ органи деб юритилади). Бунда якка тартибдаги тадбиркор солиқ органига мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда ариза тақдим этиши керак.

Аризага даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари илова қилинади.

6. Солиқ органи рўйхатдан ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этади ёки якка тартибдаги тадбиркорга у шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатган ҳолда тилхат билан:

ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб уч иш куни мобайнида — Ҳисоб дафтарини;

ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида — Товар чеклари дафтарини тақдим этади.

7. Янги Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан аввал рўйхатдан ўтказилган регистр тақдим этилганидан кейингина рўйхатдан ўтказилади. Солиқ органи регистрларни рўйхатдан ўтказиш журналига тегишли белги қўяди, аввалги регистрнинг бўш устунлари, сатрлари ва варақлари устидан чизади ва янги регистрни рўйхатдан ўтказади.

8. Ҳисоб дафтари ва Товар чеклари дафтари солиқ органи муҳри билан тасдиқланади.

9. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида барча кўрсаткичлар тузатиш ва қисқартиришларсиз шарикли ручкада (ҳаворанг, бинафша ёки қора рангда) тўлдирилади. Нотўғри маълумотларга эга ёзувлар бузилган ҳисобланади ва устидан чизилади ҳамда якка тартибдаги тадбиркорнинг имзоси билан тасдиқланади.

10. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охириги ёзув киритилган пайтдан бошлаб беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ҳамда рақамланиши, ип билан тикилиши ва солиқ органи муҳри билан тасдиқланиши керак.

3-боб. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан даромадларни ва товар операцияларини ҳисобини юритиш

11. Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар Товар чеклари дафтарини юритишлари шарт.

12. Ҳисоб дафтаридаги ёзувлар уларни тўғрилигини тасдиқлаш учун Ҳисоб дафтари билан бирга сақланадиган ҳужжатлар асосида юритилади.

13. Қўйидагилар юридик шахслар — ишлаб чиқарувчилар ёки улгуржи савдо билан шуғулланадиган юридик шахслардан харид қилинган товарларни сотиш чоғида товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

шартнома;

агар шартномада олдиндан тўла ёки қисман ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўлангани тўғрисида тўлов топшириқномасининг нусхаси. Агар шартномада олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилмаган бўлса, сотиш пайтида тўлов топшириқномасининг нусхаси талаб қилинмайди, лекин етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўланганидан кейин, товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бирга, белгиланган муддат мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади;

товарлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

14. Товарлар сотилаётганида якка тартибдаги тадбиркор, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, сотилаётган товарнинг мувофиқлик сертификатиغا эга бўлиши шарт.

15. Бошқа якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар сотилиши чоғида қўйидагилар товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

якка тартибдаги тадбиркор — ишлаб чиқарувчи билан тузилган шартнома;

агар шартномада олдиндан тўла ёки қисман ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўлангани тўғрисида тўлов топшириқномасининг нусхаси. Агар шартномада олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилмаса, сотиш пайтида тўлов топшириқномасининг нусхаси талаб қилинмайди, лекин етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўланганидан кейин якка тартибдаги тадбиркорда белгиланган муддат мобайнида товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бирга сақланади;

товарлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

16. Қўйидагилар товарлар сотилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади:

назорат-касса машинаси умумий кўрсаткичи («Z» ҳисоботи) — назорат-касса машинаси қўлланилиши билан товарлар сотилганда;

банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари нусхалари — ҳисоб-китоб терминали қўлланилганда;

Товар чеклари дафтари — товар чеки берилганда.

17. Ҳисоб дафтарида қўйидаги ёзувлар киритилади:

товарлар реквизитлари тўғрисида (товар номи, товар манбаини тасдиқлайдиган ҳужжат, қирим ҳужжати, тўлов ҳужжати, товар коди, ўлчов бирлиги, харид нархи, божхона расмийлаштируви бўйича харажатлар, бошқа харажатлар, миқдори, ўртача нарх товарни сотиб олиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) — улар турғун савдо шохобчаси ҳудудида жойлаштирилганидан кейин дарҳол. Бунда товар коддини тадбиркорнинг ўзи Ҳисоб дафтари доирасида такрорланмайдиган қилиб эркин равишда белгилайди;

«Ой» ва «Ой бошидаги қолдиқ» устунлари — ҳар ой савдо бошланишигача;

«Сотилди», «Кун охиридаги қолдиқ», «Харажатлар» ва «Даромад» устунлари — ҳар ой савдо кун охирида.

Бунда:

«Бошқа харажатлар» сатрида товарни харид қилиш билан боғлиқ харажатларгина кўрсатилади;

«Харид қилиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ўртача нарх» сатрида «харид нархи», «божхона расмийлаштируви харажатлари» ва «бошқа харажатлар» сатрлари суммасини «миқдор» сатрига бўлиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади;

бир кунда сотилган товарлар суммаси назорат касса машинаси кўрсаткичи билан мос тушиши керак («Z» ҳисоботи) ва (ёки) банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари ёки ёзилган товар чеклари суммаси билан;

«Ой бошидаги қолдиқ» устуни бундан олдинги ой «Ой охиридаги қолдиқ» устуни билан мос келиши керак;

«Харажатлар» устуни тегишли ойда «Харид харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги ўртача нарх» сатри кўрсаткичини ушбу ойда сотилган товар миқдори-га («Сотилди: миқдор» устуни) кўпайтириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади;

«Даромад» устуни «Сотилди: сумма» ва «Харажатлар» устунлари ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

18. Ҳисоб дафтари жадваллари товарларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳида тўлдирилади.

19. Товарларни ҳар бир харидорга сотиш Товар чеклари дафтарининг алоҳида варағида акс эттирилади. Товар чеки икки нусхада тўлдирилади, бир нусхаси қирқиб олинади ва харидорга берилади, бошқаси Товар чеклари дафтарида тикилган ҳолда қолади. Бунда харидорга бериладиган товар чекидаги барча ёзувлар, Товар чеклари дафтарида тикилган товар чеки билан айнан бир хил бўлиши керак.

20. Товар чеки рақами босмаҳона усулида қўйилади. Товар чеклари дафтарида чек рақамлари қатъий изчил бўлиши керак. Харидорга бериладиган товар чеки рақамлари ва Товар чеклари дафтарида тикилган товар чеки билан айнан бир хил бўлиши керак.

21. Товар чекига қўйидаги ёзувлар киритилади:

сотувчининг СТИР, Ф.И.О. ва имзоси — дафтарни солиқ органида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этишгача барча варақларда яқка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил равишда;

қолган ёзувлар — товар чеки харидорга берилишигача сотиш пайтида.

22. Товар чеклари дафтарининг варақлари тўлдирилганда:

«Товар номи (коди)» устунида Ҳисоб дафтари бўйича товар коди ёки товарнинг қисқа номи акс эттирилади;

бир харидорга сотиладиган ҳар бир товар алоҳида сатрда акс эттирилади. Агар битта харидорга сотиладиган товарларнинг барча номини Товар чеклари дафтарининг бир варағида акс эттириш мумкин бўлмаса, битта

харидорга сотиш бир неча варақларда расмийлаштирилади ва унга биттадан кўп товар чеки берилади;

Товар чеклари дафтари варағининг тўлдирилмаган сатрлари чизиб қўйилади;

нарх, миқдор ва сумма тўғрисидаги маълумотлар рақамлар билан киритилади;

нарх ва сумма тўғрисидаги маълумотлар сўмларда кўрсатилади.

23. Сотиш айланмаси ҳажми анча бўлганда, якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасига биноан, товар чеклари дафтари илгари берилган дафтар тугашига қадар рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Бунда илгари солиқ органида рўйхатдан ўтказилган, яқунланган дафтарни тақдим этмасдан туриб фақат битта Товар чеклари дафтарини рўйхатдан ўтказишга рухсат берилади.

4-боб. Ҳисоботни тақдим этиш

24. Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, — йилнинг ҳар бир чораги яқунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойнинг яқунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Ҳисобот шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) 15-илоvasи билан тасдиқланган.

5-боб. Яқуний қоидалар

25. Мазкур Низомни бузганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

26. Мазкур Низомга риоя қилиниши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари амалга оширади.

27. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 27 ноябрь

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) ДСИ бошлиғи
_____ га
(Ф.И.О.)
якка тартибдаги тадбиркор _____ дан
(Ф.И.О.)

АРИЗА

Сиздан _____
(даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистри номи)

юридик шахс бўлмаган чакана савдо фаолиятини юритиш учун _____ да (орқали)
(фаолиятни амалга ошириш жойи, номи ва манзили)

рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.

Ўзим ҳақида маълумот:

1. СТИР _____
2. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома:
Рўйхатдан ўтказилган сана ва рақам _____ № _____
_____ томонидан берилган.
(берган ташкилот номи)

Амал қилиш муддати 20__ й. «__» _____.

3. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат: серия рақам берилган Ким томонидан _____ берилган

4. Уй манзили _____

5. Почта индекси _____ Телефон _____

20__ й. «__» _____
(гўлдирилган сана) _____ (якка тартибдаги тадбиркор имзоси)

20__ й. «__» _____
(ариза қабул қилинган сана) _____ (ДСИнинг жавобгар ходими имзоси)

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151 ва
2017-68-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 20 декабрдаги 139, 2-0-9/26 ва 2002-92-сон «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операциялари ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1197, 2003 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 11 ноябрдаги 123, 2004-60 ва 10-сон «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операцияларини ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1197-1, 2004 йил 22 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 47-сон, 488-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 29 сентябрдаги 84, 10 ва 2006-41-сон «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операциялари ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1197-2, 2007 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 11-сон, 103-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

1272 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом-
нинг 30-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш
ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябр-
даги 937-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш
ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тад-
бирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати
қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори
(рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Ил-
мий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-банди ўз кучини
йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият
вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Жис-
моний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирли-
ги ҳамда Фан ва технологиялар агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 декабрь,
246/1-сон

Келишилган:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2017 йил 13 декабрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 декабрда
эълон қилинган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2017 йил 13 декабрь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2017 йил 14 декабрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 декабрь

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2017 йил 14 декабрь

*Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирининг биринчи ўринбосари*

А. ВАХАБОВ

2017 йил 15 декабрь

Фанлар академияси президенти

Б. ЮЛДАШЕВ

2017 йил 15 декабрь

*Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раиси*

Р. КУРБАНОВ

2017 йил 15 декабрь

Инновацион ривожланиш вазири

И. АБДУРАХМОНОВ

2017 йил 15 декабрь

*Фан ва технологиялар агентлиги
Бош директори*

М. БОЛТАБАЕВ

2017 йил 15 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

1273 Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-44) ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2811-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 692-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 27 июндаги 81-Н-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2811, 2016 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2016 й., 28-сон, 344-модда) билан тасдиқланган Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-44) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 декабрь,
104-Н-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил
22 декабрдаги 104-Н-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш
белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-44) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси:

ҳаво кемаси фюзеляжининг қанотлари ва дум қанотлари орасидаги қисмининг ён томонлари юзасига горизонтал йўналиш бўйича қатъий перпендикуляр;

ҳаво кемаси фюзеляжининг қанотлари ва дум қанотлари орасидаги қисмининг ён томонлари юзасида белгиларни қайд этиш учун бўш жой бўлмаганда, ҳаво кемаси вертикал дум қаноти юзасининг пастки қисмига ҳар икки томонидан;

ҳаво кемаси чап қаноти конструкцияси пастки юзасининг чап томонига (бунда белгилар қанотнинг олд қисмига параллел ҳолда жойлаштирилиши керак);

шар шаклидаги аэростатнинг максимал горизонтал айланасига яқин икки диаметрал қарама-қарши томонига;

шар шаклига эга бўлмаган аэростат чизигининг максимал кўндаланг кесимига яқин бевосита осма белбоғи устида ёки саватнинг осма арқонларини қотириш нуқталари устида икки томонига;

дирижаблнинг корпуси бўйлаб икки томонига ҳамда симметрия чизиги бўйлаб устки юзасига;

вертолётда унинг дум балкасининг ҳар икки томонига қайд этилади.».

2. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳаво кемасининг фюзеляжидаги ҳамда вертикал дум қаноти юзасидаги (шу жумладан, вертолёт дум балкасидаги) қайд этиладиган ҳарф ва рақамларнинг баландлиги 30 см дан, аэростат ва ҳаво кемасининг қанотида қайд этиладиган ҳарф ва рақамларнинг баландлиги эса, 50 см дан кам бўлмаслиги лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1275 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш
ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғриси-
да*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2959*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабр-
даги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чака-
на нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Рес-
публикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нарх-
лар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ микдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-
сининг 2016 йил 29 ноябрдаги 89, 2016-36-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун
энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғриси-
да»ги қарори (рўйхат рақами 2845, 2016 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Рес-
публикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 557-модда) ўз ку-
чини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 27 декабрь,
187-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2017 йил 27 декабрь,
2017-74-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 декабр-
да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги
187, 2017-74-сон қарорига
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар* учун энг кам улгуржи-сотиш ва
чакана нархлар**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	6500	7800
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	22000	26400
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	16000	19200

* Пиводан ташқари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**1276 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2498-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2017 йил 27 декабрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмита-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 декабрда эълон қилинган.

лари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2017 йил 15 ноябрдаги 24/1850-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасига ўқишга кириш учун номзодларни дастлабки танловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2498, 2013 йил 8 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректорининг 2013 йил 25 июлдаги 113-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасига ўқишга кириш учун номзодларни дастлабки танловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2498, 2013 йил 8 август) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
482-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 23 декабрдан 29 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 21 декабрдаги 01/15-2-10/38-сон «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1188-4.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 декабрдаги 131-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/7-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-36.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 27 ноябрдаги 172, 244-В-1-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1327-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 21 декабрдаги 01/15-2-10/37-сон «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юза-

сидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-2.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги 159-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-1 (2018 йил 1 январдан кучга киради).

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151, 2017-68-сон «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2958.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 16 декабрдаги 34/7-сон «Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 681-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 18 декабрдаги 246/1-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-4.

10. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2017 йил 22 декабрдаги 104-Н-сон «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-44) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2811-1.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 22 декабрдаги 178-сон «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 46-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги 187, 2017-74-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2959 (2018 йил 1 январдан кучга киради).

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 482-мқ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2498-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1197, 2003 йил 8 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1197-1, 2004 йил 22 ноябрь), (рўйхат рақами 1197-2, 2007 йил 13 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 476-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 681, 1999 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 681-1, 2004 йил 29 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 477-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 46, 1994 йил 27 апрель).

Адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 480-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректорининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасига ўқишга кириш учун номзодларни дастлабки танловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2498, 2013 йил 8 август).

Адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 482-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

